

## МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.5.5.044>

*Пулатова Дилдора Тургуновна,  
Ал-Бухорий Университети доценти*

*Аннотация. Ушбу мақолада Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасаларининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик масалалари ва амалга оширилаётган вазифалар хусусида маълумотлар берилган. Шунингдек, олий таълим контенти мазмунида халқ таълими муассасалари билан боғлиқ масалаларга комплекс ёндашув ҳақида фикрлар ёритилган.*

*Калит сўзлар: ҳамкорлик, олий таълим, мактабдан ташқари таълим, ривожланиш, қарор, муаммо, концепция.*

## ИНТЕГРАЦИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ ВО ВНЕШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

*Пулатова Дилдора Тургуновна,  
Доцент Университета Аль-Бухари*

*Аннотация. В данной статье представлена информация по вопросам сотрудничества внешкольных образовательных учреждений в системе государственного образования с высшими учебными заведениями и выполняемым задачам. Кроме того, содержание содержания высшего образования охватывает взгляды на комплексный подход к вопросам, связанным с государственными учебными заведениями.*

*Ключевые слова: сотрудничество, высшее образование, внешкольное образование, развитие, решение, проблема, концепция.*

## INTEGRATION OF HIGHER EDUCATION INTO EXTRACURRICULAR EDUCATION

*Pulatova Dildora Turgunovna,  
Associate Professor at Al-Bukhari University*

*Abstract. This article provides information on the issues of cooperation of extracurricular educational institutions in the system of public education with higher educational institutions and the tasks performed. In addition, the content of the content of higher education covers views on an integrated approach to issues related to public educational institutions.*

*Keywords: cooperation, higher education, extracurricular education, development, solution, problem, conception.*

Мамлакатимиз Олий таълим муассасаларининг жаҳон талаблари даражасидаги эришаётган ўрни, шунингдек, муваффақиятли ютуқ ва марралари олдимизга қўйилган буюк мақсад сари ҳаракатларнинг самарасини англатади. Ҳаммамизга маълумки, таълим рақобатбардошликни ва турмуш фаровонлиги даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Албатта бу концепция олий таълим муассасаларида ривожланиш учун амалга оширилиши кўзда тутилган режаларни белгилайди ва асос бўлиб хизмат қилади.

М.Х.Саидов асарларида олий таълим тизимида молиявий бошқарув масалаларига, В.А.Садиев тадқиқотида олий таълим муассасалари трансформациясининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини яратиш ва унинг ташкилий-бошқарув, педагогик механизмларини такомиллаштириш масалаларига, Ш.Шарипов, Н.Эгамбердиева, П.Лутфуллаев, Ш.Юнусов ва бошқалар тадқиқотларида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида кадрлар тайёрлаш мазмуни, таълимни интернационализациялаш жараёнларида олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини бошқариш, ҳамда олий таълимни ривожлантиришда бенчмаркингни жорий этиш масалаларига тўхталинган.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларини нуфузли ҳорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация қилиш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида билимлар трансферини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Илм фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш, олий таълим муассасаларининг инновацион инфратузилмасини шакллантириш, уларнинг трансформациясини ривожлантириш” масалалари белгиланди. [5]

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида шундай ўзига хос муаммолар мавжудки, бунда уларни самарали ечимлари ҳамкорликни, алоқадорликни, мазмунни ўзгартиришни талаб этади. Чунончи, амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурларида мазмун жиҳатдан битирувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга доир мезонларнинг етарли эмаслиги, ўқув режаларидаги мажбурий фанларга соатларнинг кўплаб ажратилганлиги, олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик ишлар самарали йўлга қўйилмаганлиги, ишга қабул қилувчиларнинг олий таълим контентини шакллантиришдаги иштирокининг кузатилмаслигини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда замон билан ҳамнафас, жаҳон стундартларига жавоб бера оладиган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш олий таълим тизимининг асосий мақсадидир. Шундай экан талабаларни ўқув масканида замонавий билимлар билан қуроллантириш, амалиётда самарали қўллаш олиш кўникмасини шакллантириш, жаҳон стандартларига тўлақонли жавоб бера оладиган етук кадр этиб тарбиялаш давлатимизнинг устивор вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси 3- бобида

- таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

- юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш каби бандлар белгилаб берилган.

Таълим тизимида ўзаро узвийликни таъминлаш, масалага комплекс ёндашиш, талабаларнинг касбий эҳтиёжларини ўрганиш ва таъминлаш, уларда танлаган касби бўйича чуқур масъулиятни тарбиялаш жамият равнақи ҳамда ушбу йўлда учраган муаммолар учун самарали ечим бўлиб хизмат қилади. Халқ таълими учун етук кадр тайёрлаётган олий таълим тизими бевосита мустаҳкам

узвийликни талаб этади.

Шунингдек, мазкур концепциянинг Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бандида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, ҳудудий ва тармоқ дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари, жаҳон миқёсидаги технологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, бунда STEAM йўналишларини (аниқ фанлар, технология, инжиниринг, ижодий санъат ва математика) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш; [1] вазифаси белгилаб берилган.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари болаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантирувчи, эркин фаоллигини таъминловчи, билимларни кўникмага айланишида етарлича комфорт муҳитни бера оладиган маскандир.

Ушбу соҳада қабул қилинаётган қарор ва фармойишларнинг ижроси тизимнинг янада ривожланиши учун туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сон Қарорига мувофиқ мактабдан ташқари таълим тизимини янги босқичга кўтариш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат талабларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Концепцияда гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш; [1] кўрсатилган.

Олий таълим муассасалари Бошланғич таълим ва Мактабгача таълим йўналишлари ўқув режаларига STEAM таълими фанини киритиш, ҳамда ўқув режалар бу фан орқали такомиллаштирилса ҳозирги кун нафаси билан яшайдиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш имконини беради.

Замонавий илм-фан ривожланиши, ҳамда ҳориж тажрибасининг кенг ўрганилиши, олий таълим муассасаларида ўқув режаларнинг ҳар йили такомиллашувини талаб этади. Шунингдек, халқ таълими тизимидаги ислохотлар ҳам олий таълим муассасалари контентини қайта кўриб чиқишни ва интеграциялашувини талаб этади. STEAM таълими бевосита амалий ўқув жараёни ҳисобланиб, бунда дарсларни оддий аудиторияларда эмас балки, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг STEAM хоналарида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, талабаларнинг мазкур фан бўйича тушунчалари ва кўникмалари ҳам айнан устахоналарда ва STEAM хоналарида шакллантирилса, эртага мактаб синф хонасида етук педагоглар, моҳир, малакали STEAM ўқитувчиларининг фаолият юритаётганини кўришимиз мумкин бўлади.

STEAM таълими нима?

“Баркамол авлод” болалар мактабларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб

“STEAM-таълим” (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics - математика) дастури жорий этилади;” [2]

Демак STEAM таълими фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикадан ўқувчиларни кизиштириш, танқидий фикрлашга йўналтирадиган фойдаланиш усули.

STEAM – бу STEMга санъатни қўшиб унинг афзалликларидан баҳраманд бўлишнинг бир усули. STEAM эркин ижод қилиш учун шароит яратади, чегараланишни олиб ташлайди ва уларни ҳайрат, илҳомланиш ва янгилик билан алмаштиради.

Унинг тажрибаси фан, технология, муҳандислик, математика ва санъатнинг керак бўлса ундан ортиқ қўп стандартларни ўз ичига олади, улар бир бирларини тўлдирди. Фанлараро ўзаро боғлиқлик, интеграция унинг асосини ташкил қилади. Унинг ўзаги санъатдир.

STEAM изланиш, танқидий фикрлаш ва фаол таълимни белгиловчи жараёнга асосланган. STEAM дарслари ва STEAM ёндашувининг бутун ғояси шундан иборатки, текширув, кизикувчанлик, муаммонинг ечимини топишда ижодий бўлиш ёндашувининг асоси ҳисобланади. STEAMда гуманитар фанлар ўзаро боғланган.

STEAMдан фойдаланиш ҳақида гап кетганда, шуни тушунишимиз керакки, дарсни лойиҳалаштириш бошқа, STEAMни амалда қўриш бутунлай бошқа нарса. Ушбу дарслар давомида талабалар мутлақо бошқа даражадаги машғулотлар билан шуғулланадилар ва қўпинча анча кучлироқ натижаларга эришадилар. Дарсда санъатнинг аралашуви натижавийликни кўрсатади.

Педагогика университетлари ўқув режасида белгиланган ушбу фанни мактабдан ташқари таълим муассасаларида, яъни “Баркамол авлод” болалар мактабларининг STEAM хоналарида ташкил этиш бевосита амалиётнинг ўзида жараёни самарали кечишини, талаба учун комфорт муҳитни, етарлича асбоб-ускуна мавжудлигини, ДТСда белгиланган талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг ривожланишини таъминлайди. Талаба жамият учун малакали, етук кадр бўлиб етишишига замин яратади.

Ҳар қандай яхши STEAM дарси изланиш, муаммоларни ечишни талаб этади. Бу ерда фаол машғулот ҳақиқатан ҳам талабалар фаоллиги, маҳорати билан порлай бошлайди, бетакрор композициялар яратади. STEAM дарсларини ташкил этувчи ўқитувчи барча шартларни талаб даражасида бажариши лозим бўлади.

Шу билан бирга, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, республикамизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар улғайиб келаётган ўспирин иқтидорини янада ривожлантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, юрт равнақи йўлида уларнинг фаол иштирокини таъминлашни бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиламоқда.

STEAM- муҳандиси, дизайнери бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай ёшдаги ўқувчиларга инновацион ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш имкониятини беради. Бу дастур орқали болалар нафақат ижодкорлик, балки ўзига ишонч ва етакчиликни намойиш этиш кўникмаларини ҳам шакллантирадилар. Бу келажакда зарур бўладиган етакчилик кўникмаларидир. Улар ишончсизликни

енгиб, шахсларо муносабатларга киришиб бошқалар билан интеллектуал жиҳатдан боғланадилар. Шунингдек ўқувчилар миллий кадриятларимиз билан яқиндан танишиб, санъат тарихини ўрганар экан, бу орқали ўқувчилар маданий кадриятларни эгаллайдилар ва миллий санъатга содиқ фуқаро сифатида шаклландилар. Улар яратган кичик санъат асарлари келажакда гўзалликни яратувчи буюк шахс сифатида намоён бўлишларига илк асар бўлиши мумкин.

Маълумотларга кўра бу дастур ўқувчиларни танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради ва санъат, фан, технология, муҳандислик ва математиканинг бирлигини аниқлашга ёрдам беради.

STEAM нима, қаерда ёки қачон деб эмас, балки, бу нима учун ва қандай қилиб бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. STEAM - бу амал қилиш жараёни. Бу бизнинг ўқувчиларимизга қобилиятларининг ривожланиши учун ҳамда ўзлари ва бошқалар учун мазмун яратишга имкон беради.

Агарда махсус жиҳозланган хоналар STEAM таълими учун олий таълим муассасаси биносига бўлмаса мактабдан ташқари таълим муассасаларининг STEAM хоналаридан фойдаланишлари учун имконият сўрашлари мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу фанни мазмунли ташкил этиш учун амалий машғулотларни махсус тайёргарликдан ўтган малакали педагоглардан, амалиётчилардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Хулосақилиб айтганда, таълим тизимида самарали натижаларга эришиш учун ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар мақсадли йўлга қўйилиши, ҳамда иш берувчиларнинг олий таълим контентини шакллантиришдаги роли юқори бўлиши аҳамиятлидир. Шунингдек, халқаро стандартлар асосида креатив фикрлайдиган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва баркамол шахс сифатида шаклланиши учун етарлича шарт-шароит яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони иловаси.

2. Ўз.Р.Президентининг 4467-сонли “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

3. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2021 йил.

4. М.Х.Саидов Олий таълим тизимида молиявий бошқарув. Тафаккур бўstonи. Тошкент-2011 йил.

5. Садиев В.А. Олий таълим муассасаси трансформациясининг ташкилий-педагогик шароитларини яратиш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.

6. Д.Т.Пулатова. Халқ таълими тизимида “Баркамол авлод” болалар мактаблари. Халқ таълими журнали 2021 йил 2-сон.